Ушбу сонда:
2 Фахр ҲАЁТИНИНГ ЎЗИ БИР ҚЎШИҚ
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 ШАРҚ ДОНИШМАНДЛИГИНИНГ ГЎЗАЛ КЎЗГУСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 6 январ, жума № 3 (2052)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Б.А.Матлюбовни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида

Баҳодир Аҳмедович Матлюбов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 5 январ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

Ғ.Т.Қодировни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари - жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлаш тўғрисида

Ғайрат Тоирович Қодиров Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари - жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 5 январ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шаклларини кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қискартириш ва унинг фаол кисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

Саноат корхоналарининг касаначиларга зарур хомашё ва материалларни етказиб бериш асосида оилавий пудратни ривожлантириш фуқароларга вақтдан унумли фойдаланиш, шу билан бирга, паст рентабелли ва кўп меҳнат сарфи талаб қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратади, бу, ўз навбатида, йирик корхоналар иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи кисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва баъзи бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш орқали йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар касаначиликни ривожлантиришнинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини таъминлашни инобатга олган ҳолда аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш;

саноат корхоналари билан уларнинг буюртмалари асосида уйда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебель, электрон саноатида, шунингдек, телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш;

корхоналарнинг буюртмалари асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачилар томонидан хомашё, материаллар ва яримфабрикатларни етказиб бериш ҳамда буюртма асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни кафолатлашда барқарор шароитлар яратиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

корхоналарнинг буюртмалари уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) томонидан меҳнат шартномаси асосида бажарилади;

корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади, пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади;

касаначилик меҳнати амалга оширилаётган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмайди;

меҳнат шартномасида ишларни бажариш учун зарур ускуналар етказиб бериш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, асбоблар, жиҳозлар, материаллар ва яримфабрикатлар билан таъминлаш, касаначиларни мажбурий тарзда техника хавфсизлигига ўқитиш ҳамда буюртмачи талаб қилган сифат стандартлари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташиб кетиш, бажарилган иш учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича корхоналарнинг касаначилар олдидаги кафолат ва мажбуриятлари кўзда тутилади.

3. Товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинсин.

4. Корхоналарга меҳнат шартномаси асосида касаначиларга корхоналар буюртмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шарти билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш ҳуқуқи берилсин.

Махсус техника хавфсизлигига амал қилишни тақозо этадиган уй шароитида назорат қилиш имкони бўлмаган, кучли ток билан ишлайдиган, катта энергия талаб қиладиган, техник жиҳатдан мураккаб бўлган ускуналарни, шунингдек, хавфли кимёвий бирикмаларни касаначиларга бериш, ижара ва лизинг асосида тақдим этиш ҳамда улардан уй шароитида фойдаланиш тақиқланади.

5. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

корхона томонидан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлар улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилади;

касаначилар буюртмачи-корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ амал қилган тақдирда, уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни қўшимча сертификатлаш ва стандартлаш талаб этилмайди. Бунда уйда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати бўйича белгиланган стандартларга риоя қилиш бўйича масъулият, у саноат корхоналарига қайтарилганда - касаначилар зиммасига, охирги истеъмолчига сотишда эса саноат корхонаси зиммасига юкланади;

меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган корхоналарга касаначилар томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг қайтарилиши улгуржи савдо ҳисобланмайди ва лицензияланмайди;

касаначилар фаолияти буютрмачи-корхона қонунчиликда белгиланган тартибда текширилгандагина назорат қилувчи органлар томонидан текширилиши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда Касаначилик тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда касаначилар билан меҳнат шартномасини тузиш, уларга ускуналар бериш ва техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, асбоблар, хомашё ва материаллар тақдим этиш, касаначилар харажатларини қоплаш тартибини, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари, томонларнинг ўзаро жавобгарлиги чоралари, шунингдек, ушбу Фармонда кўзда тутилган имтиёзларни қўллашда суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш бўйича солиқ органлари томонидан амалга ошириладиган назорат тизимини белгиласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш дастурларида 2006-2007 йилларда касаначиликни оммалаштиришга доир тадбирларни кўзда тутсин;

мазкур дастурлар ижроси устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда ҳудудлар ва республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини муҳокама этишда ҳар бир чорак натижалари бўйича уларнинг амалга оширилишини кўриб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсин.

8. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 5 январ

Хўжайли туманидаги «Турон Хўжайли мой» ҳиссадорлик жамияти аъзолари жорий йилни яхши кайфият билан қаршилади. Жамият аъзолари ўтган 2005 йилнинг 1 декабригача республикадаги фермер хўжаликларидан қабул қилиб олган 23,536 тонна чигитни қайта ишлаб, 10,400 тонна кунжара, 8,100 тонна шелуха ва 3,641 тонна пахта ёғи олдилар. Бу кўрсатгич 2004 йилнинг 1 декабрига нисбатан 193 фоиз кўп демакдир. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг бу тахлит тез ошиши сабаб, корхонада иш тўғри ташкил қилинганлигидадир. Шунингдек, жамият аъзолари ўз ишига масъулият билан ёндошишлари ҳам ишнинг самарадорлигига сабаб бўлмоқда.

Суратда: «Турон Хўжайли мой» ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқариш ва технология лабораторияси бошлиғи Гулнора Сарбупеева.

Б.АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.

Жиззах вилоятининг барча туманларида телефон алоқасининг янги тизими - рақамли алоқа тармоғи иш бошлайди. Ўзбекистон-Япония-Хитой давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик асосидаги лойиҳанинг иккинчи босқичи амалга оширилиши билан вилоят аҳолиси замонавий алоқа хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғини ривожлантириш (иккинчи босқич) учун Япония халқаро ҳамкорлик банки имтиёзли кредитларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида вилоятда 402 километли шиша толали алоқа кабели ётқизиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Японияning «Мицуи», «НЕК», «Фуджукура», «Салин» компаниялари ва республикамизнинг «Алоқаинвест» акциядорлик жамиятлари ҳамкорлигида Жиззах-Фориш, Пахтакор-Зафаробод, Пахтакор-Дўстлик, Зомин-Янгиобод йўналишларида бошланган ишлар якуний босқичга кирди.

- Бу иш янги йилнинг биринчи чорагида тугалланади, - дейди «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Жиззах филиалининг директори Баҳодир Эргашев. - Натижада фақат телефон алоқаси сифати яхшиланибгина қолмай, Жиззах шаҳри ва Қўйтош телевидение узаткичларининг ҳам иш сифати яхшиланади. Айни пайтда Жиззах шаҳридаги алоқа уйида Huawel host станциясини монтаж қилиш тугалланди.

Аслида Жиззах шаҳрида рақамли телефон алоқаси йўлга қўйилганига анча бўлди. Энди бу тизимни туман марказларида ҳам амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда. Хитойнинг «Эксимбанк»и маблағи ҳисобига «Хуавей Технолоджис» компаниясининг мутахассислари ҳамкорлигида барча туманларнинг телефон станцияларига алоқа ускуналари монтаж қилиб бўлинди.

(ЎзА)

Меҳнат муҳофазаси

ИНСОН АЗИЗ

Ишлаб чиқаришнинг қайси жабҳасини олмайлик корхоналар реконструкция қилиниб, замонавий технология билан жиҳозланмоқда. Янги кувватлар ишга тушмоқда. Масалан, биргина «Уз ДЭУ авто» қўшма корхонасининг пресслаш ва пайвандлаш цехларидаги технологик жараёнлар тўла автоматлаштирилган.

Шунингдек, мазкур корхонадаги энг нозик муҳандислик юмушларини бажаришда 200 дан зиёд роботлар қўлланилмоқда. Балиқчи туманидаги Навоий номли акциядорлик жамияти цехларидаги эски ускуналар Германиянинг «Тютчлер» фирмасидан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан алмаштирилди. Ёйинки, «Ойимтекстил» қўшма корхонасини олиб кўрайлик. Ёруғ цехларга Швейцария, Туркиядан келтирилган ускуналар ўрнатилган. Йигирув, тўқув, қадоқлаш каби жараёнлар машиналар зиммасида. Гуруллаб ишлаётган дастгоҳлар боис оғир қўл меҳнати барҳам топиб, ишлаб чиқаришга файз кирмоқда.

Техникага нисбатан лоқайд бўлинса, хавфсизлик қоидаларига риоя этилмаса, оқибати хунук бўлишини ҳар биримиз яхши биламиз. Андижон вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг иккинчи пленумида ҳам айнан жойларда меҳнат муҳофазаси қандай йўлга қўйилганлиги изчил таҳлил этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида иш жойларида меҳнаткашлар учун кўнгилдагидек иш шароитлари яратиш ҳамда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини кўнгилдагидек ташкил этиш кафолатлаб қўйилган. Шунингдек, бозор иқтисодиётининг кескин талаблари янги иш ўринлари яратиш, ишсизликнинг олдини олиш, нафақа, стипендиялар, уларга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида берилишига эришиш, ишловчилар учун соғлом меҳнат шарт-шароитларини яратиш масалаларини долзарб қилиб қўймоқда. Шу билан бир қаторда ишчи-хизматчиларни шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийим-бош ва пойабзал билан таъминлашни, иш жойларининг аттестациядан ўтказилишини, меҳнат муҳофазаси борасида кадрлар малакасини ошириш вазифаларининг тезкор ҳал этилишини тақозо этмоқда.

Ана шу йўналишлар бўйича касаба уюшма ташкилотларида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Раёсат мажлисларида автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма вилоят вакиллиги, енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари вилоят кенгашига қарашли корхона, ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси аҳволи атрофлича муҳокама этилди. Жамоаларда хавфсиз меҳнат шароитини яхшилаш, иш жойларини аттестациядан ўтказишга доир тегишли қарорлар қабул қилинди. Техника хавфсизлиги кўрик-танловлари, семинар-тренинглар, ходимлар малакасини ошириш каби тадбирлар яхши самара берянти. Бу борада Шаҳрихон туман автомобил йўллари бошқармаси касаба уюшма ташкилоти амалга ошираётган ишларни таъкидлаб ўтиш жоиз. Корхонадаги техника паркида автомобилларни кундалик техник қаровдан ўтказиш, ҳайдовчиларнинг тиббий кўригини уюштириш одат тусига кирган. Меҳнат муҳофазаси бўйича тегишли қоидалар ишлаб чиқилган. Иш берувчининг меҳнат муҳофазаси юзасидан мажбуриятлари жамоа шартномасига алоҳида банд этиб киритилган. Улар доимий равишда бошланғич касаба уюшма ташкилотининг назоратида. Шу кўрилаётган саъи-ҳаракатлар натижасида бошқарма касаба уюшма ташкилоти ўтган йил якуни бўйича меҳнат муҳофазаси кўрик-танловида ғолиб деб топилди.

Автомобилларга бамперлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасида ҳам бу борада кўпгина ишлар бажарилган. Тиббиёт хонаси зарур дори-дармонлар билан етарли даражада таъминланган.

(Давоми 2-бетда)

ТУҲФА

Қувасойдаги Чек қишлоғида иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Икки миллиард сўмдан зиёд маблағ сарф этилган ушбу замонавий коллежни «Қувасой таъмир қурилиш» корхонаси қурувчилари бунёд этди.

- Коллежимиз 900 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда халқ хўжалигининг турли хил соҳалари учун мутахассислар тайёрланади, - дейди коллеж директори Маҳмудхўжа Ходихўжаев. - Янги йил арафасида коллежнинг топширилиши ўқувчиларимизга муносиб тухфа бўлди.

«Ишонч» фош этади

Бир қарашда бошқа тадбиркорлардан фарқ қилмайдигандек кўринган Ўктам Узоков оддий тадбиркорликдан Карши шаҳар «Буюм бозори» акциядорлик жамияти раислигига сайланиши билан «антиқа» иш услубини ўйлаб топди. Жамоа фаолиятига таллукли бўладими, шахсий масаладами, ўйлаб ўтирмасдан олдига келган фуқароларни ташкилот ҳуқуқшуноси Ш. Турсунов ҳузурига йўллай бошлади.

ХОМТАЛАШ

ёки акциядорлар мулки талон-тарож қилинганлиги хусусида

«Ишонмагин дўстингга, сомон тиқар пўстингга» деганларидек, юрист раҳбарининг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, ноқонуний ишларга қўл урди. Палапартишлик, лоқайдлик, ўзига ишониб топширилган масъулиятли вазифага панжа орасидан қараш ташкилотни иқтисодий таназзулга олиб келди.

Акциядорлар мулки талон-тарож қилинди. Ҳиссадорлик жамиятининг 2004 йил 24 май кунидаги умумий йиғилиш баённомаси ва 15-сонли қарори қалбакилаштирилиб, «Чорси-С» хусусий фирмасига 2 миллион 16 минг сўмлик қарзи эвазига ташкилот тасарруфидаги кўплаб асосий воситаларни сув текинга бериб юбориб, акциядорларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказилди.

Қовун-қовунни кўриб ранг оладди, деганларидек жамият юристи Ш. Турсунов бозорда тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган Г. Жўраевага «Сизга жамиятнинг акцияларини сотиб олиб бераман» деб 115 минг, Ф. Шодмонова, К. Насимов, К. Жўраевларнинг ҳар биридан 150 минг, Ж. Патиллаевдан 115 минг, бозордаги расталарни ажратиб бериш учун Б. Жаревдан 165 минг, У. Йўлдошевадан 600 минг сўм пул олиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 168-моддаси 2 қисмининг «Б», «В» бандларида назарда тутилган жиноятларни содир қилди. Бугина эмас. Тадбиркор Муқаддас Убайдуллаевага бозорда жойлашган омборхона ҳар ойига 30 минг сўмдан пул тўлаб келиш шарти билан ижарага берилган. «1961 ЕХ» давлат белгили, «Т-28 МСІ» русумли трактор ҳам кимгадир бериб юборилган.

Акцияларнинг тенг ярмидан кўпига эгалик қилган шаҳар ҳокимиятидаги мутасаддилар раҳбарларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлсалар ҳам, негадир кўриб кўрмасликка олишди.

Ҳаёт чархпалаги бир айланиб, воқеалар тескарисига ривожланиб кетди. Жамиятга кўп йиллар ички ишлар идораларида масъул вазифаларда ишлаган Виктор Ашуров раис этиб тайинланди. Янги раҳбар ташкилотнинг мол-мулкларини хатловдан ўтказганида, камчиликлар очилиб қолди. Асл касби ҳуқуқшунос бўлган раҳбар йўқотилган мол-мулкни қайтариш учун саъи-ҳаракатларни бошлади.

Натижада кўп нарсалар ошкор бўлиб қолди. Шундайки, бозорда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширган «Чорси-С» хусусий фирмаси Қашқадарё вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Буюм бозори» очиқ акциядорлик жамиятидан 2 миллион 16 минг сўм қарзини ундиришни сўраган. Ушбу даъво хўжалик суди томонидан 2004 йил 21 майда қаноатлантирилиб, юқоридаги қарз эвазига техника воситалари ва мол-мулкнинг бир қисми хусусий фирмага олиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 82-моддаси ва жамият Низомининг 5 — 4-банди талабига мувофиқ молмулкнинг бозор қийматини аниқлаш кузатув кенгаши ваколатига кириши белгиланган бўлса-да, раис Ў. Узоқов холис баҳоловчи (аудитор)ни жалб этмасдан мулкларни ўзбошимчалик билан баҳолаб, хусусий фирмага бериб юборган.

«Буюм бозори» очиқ акциядорлик жамияти Низом жамғармаси 187 миллион 285 минг сўмдан иборат. Ундаги давлат (Қарши шаҳар ҳокимлиги)даги улуши 95 миллион 520 минг 500 сўмни, яъни 51 фоизини ташкил этишига қарамасдан жамият раҳбари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 218-моддаси талабини қўпол равишда бузган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2005 йил 30 июндаги ҳукмига асосан жамият раиси Ў. Узоқов ва юристи Ш. Турсуновлар ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун айбли деб топилдилар. Улар Президентимизнинг 2004 йил 1 декабридаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг иккинчи моддаси қўлланилиб, жазодан озод қилиндилар. Ў. Узоқов ва Ш. Турсуновлардан Г. Жўраева фойдасига 115 минг, Ф. Шодмонова, К. Насимов, К. Жўраевларга 150 минг сўмдан, Ж. Патиллаевга 115 минг сўм ундирилди. Ў. Узоқовдан Қарши шаҳар «Буюм бозори» очиқ акциядорлик жамияти фойдасига 210 минг, Ш. Турсуновдан фуқаровий даъвогар У. Йўлдошевага 600 минг сўм ундириш, мавжуд техника воситалари, омборхоналар, чиптахона ва автомашиналар тўхташ жойини акциядорлик жамияти тасарруфига қайтариш тўғрисида ҳукм чиқарилди.

Бироқ ўтган беш ой давомида «Отангга бор, онангга бор» қабилида иш тутилиб, суднинг қонуний ҳукми ижро этилмади. Жорий йилнинг 21 ноябрида яна суднинг ижрога аниқлик киритиш ҳақидаги ажрими чиқарилди. Ниҳоят Ўзбекистон Республикаси Жиноий процессуал Кодексининг 423-моддаси қўлланилиб, чиқарилган ажрим ва суд ҳукми Қарши шаҳар суд ижро бўлинмаси томонидан сотиб юборилган мол-мулк жамият тасарруфига олиб берилди.

Қаерда қонун ҳукмрон бўлса, ўша жойда адолат тантана қилади. Ноқонуний хатти-ҳаракатлар бартараф этилди. «Ҳечдан кўра кеч» деганларидек, талон-тарож қилинган акциядорлар мулки эгаларига қайтарилди.

И. ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Фахр

ҲАЁТИНИНГ ЎЗИ БИР ҚЎШИҚ

Инсон умри оқар сувдек ўтади кетади. Буни яхши билган инсон борки, эзгулик сари интилади. Ўзидан яхши ном қолдиришни шараф деб билади. Ўтаётган ҳар бир кунини, ҳар дақиқасини сарҳисоб қилиб боради.

Бугун биз тилга олмоқчи бўлган инсонлар ҳам худди ана шундайлар сирасидан. Умри бино бўлибдики, ёшлар тарбияси, уларнинг келажаги ғамида елиб-югураётган Анор опа Маҳмудова ўтаётган кунларига шукроналар қилади. — Ношукурлик биз ўзбекларга ёт иллат. Азалдан ота-боболаримиз сабр-қаноатли, чидам ва бардошли инсонлар бўлишган. Авлодлар уларга номуносиб бўлиши мумкин эмас, – дейди у.

Шу боисми Анор опа ўз иш жараёнида ёшларни анъаналарга содиқ инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор билан қаралади. Хусусан, каратэ тўгараги фаолияти жуда яхши йўлга қўйилган. Тўгарак қатнашчиси Умида Заргарова 2003 йилда Самарқандда республика миқёсида бўлиб ўтган мусобақада кумуш медал соҳиби бўлган бўлса, Яшнар Машарипов 2004 йилда Талгат Нигматуллин хотира турнирида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шоҳмот бўйича вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган мусобақаларда ҳам мактаб ўқувчилари фаол иштирок этишмоқда. Ўтган мусобақаларда ўқувчилардан Шоҳрух Шерматов биринчи, Мақсуд Сапаев иккинчи ўринни эгаллашди.

Анор опа Маҳмудова нафақат ўқувчилар фаолияти, балки қўл остидаги ўқитувчиларнинг иш жараёнини ҳам қаттиқ назорат қилиб боради. Шу боис мактабда таълим жараёни доимо самарали олиб борилади. Ўқитувчилар ўз устида тинмай ишлашлари, изланишлари сабаб вилоят ва республика миқёсидаги танловларда фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Ўқитувчи Ойимжон Қутимова вилоят бўйича ўтказилган «Энг яхши бошланғич синф ўқитувчиси» кўрик-танловида 2-ўринни олган бўлса, Дилором Абдуллаева ҳам «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловида худди шундай ўринни эгаллашга муяссар бўлди.

Шубҳасиз, эл назарига тушиб, эътибор қозониш машаққатли меҳнатни талаб этади. Анор опа ҳам ўзининг ана шундай меҳнатлари эвазига ўтган йиллар мобайнида давлатимизнинг юксак мукофотларига муносиб деб топилди.

У мактабга раҳбарлик қилишдек масъулиятли вазифани уддалаш билан бир қаторда туман мактаблари директорлари кенгаши аъзоси, халқ таълими бўлими кенгаш аъзоси, қоловерса, Гурлан шаҳридаги 3-маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раислиги вазифасиини ҳам ҳар хил беллашувларда совринли ўринларни қўлга киритган ёшлардир.

Мактабда спортни ривожлантиришга, тўгараклар турини кўпайтиришга катта эътибор билан қаралади. Хусусан, каратэ тўгараги фаолияти жуда яхши йўлга қўйилган. Тўгарак қатнашчиси Умида Заргарова 2003 йилда Самарқандда республика миқёсида бўлиб ўтган мусобақада кумуш медал соҳиби бўлган бўлса, Яшнар Машарипов 2004 йилда Талгат Нигматуллин хотира турнирида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шоҳмот бўйича вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган мусобақаларда ҳам мактаб ўқувчилари фаол иштирок этишмоқда. Ўтган мусобақаларда ўқувчилардан Шоҳрух Шерматов биринчи, Мақсуд Сапаев иккинчи ўринни эгаллашди.

Анор опа Маҳмудова нафақат ўқувчилар фаолияти, балки қўл остидаги ўқитувчиларнинг иш жараёнини ҳам қаттиқ назорат қилиб боради. Шу боис мактабда таълим жараёни доимо самарали олиб борилади. Ўқитувчилар ўз устида тинмай ишлашлари, изланишлари сабаб вилоят ва республика миқёсидаги танловларда фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Ўқитувчи Ойимжон Қутимова вилоят бўйича ўтказилган «Энг яхши бошланғич синф ўқитувчиси» кўрик-танловида 2-ўринни олган бўлса, Дилором Абдуллаева ҳам «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловида худди шундай ўринни эгаллашга муяссар бўлди.

Шубҳасиз, эл назарига тушиб, эътибор қозониш машаққатли меҳнатни талаб этади. Анор опа ҳам ўзининг ана шундай меҳнатлари эвазига ўтган йиллар мобайнида давлатимизнинг юксак бажариб келмоқда.

Меҳнат машаққатли бўлсада, ундан завқланишни билганлар ҳеч қачон ўтган умридан афсусланмайди. Аксинча ғурурланиб, фахрланиб яшайди. Бекдурди ака Жуманиёзов ҳам ана шундай инсонлардан бири. У ҳам ўз меҳнатлари билан халқимиз эътиборини қозонган фидойи инсон.

Меҳнат таги роҳат деганлари шу бўлса керакки, 2000 йилга келиб Бекдурди Жуманиёзов Ўзбекистон Қаҳрамони, деган юксак номга мушарраф бўлди. Айни пайтда фермерликка қўл уриб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирмоқда. Халқимиз дастурхони мўл-қўллигини таъминлашда муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

– Деҳқончилик менга ота мерос касбдир. Отамиз Жуманиёз ака ҳам умри далада меҳнат қилиб ўтган инсон. Деҳқончилик сир-асрорларини ҳам ундан ўрганганман. Уларнинг изидан бориб хато қилмадим, – дейди у.

Ҳа «от изини той босар» деганларидек, Бекдурди ака ота-она изидан бориб кам бўлмади. Етук инсон бўлиб етишди. Ҳар қандай қийинчиликлар ҳам уни чўчита олмади.

Интилганга толе ёр, деганлари шу бўлса керакки, катта даромадлар баробарида давлатимизнинг юксак мукофотларига ҳам эга бўлди. Юқорида тилга олиб ўтган қаҳрамонимиз сингари Бекдурди ака Жуманиёзов ҳам юртимизнинг фахрли инсонлари қаторидан жой олди.

Айтиш жоизки, кимки ҳалол меҳнат қилса, шубҳасиз барака топади. Ҳаёти мазмунли, оиласи файзли, дастурхони тўкин, юрти тинч бўлади.

Р.САЙДАҲМЕДОВА,
«Ишонч» мухбири

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

БИЗНЕС-РЕЖА — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Наманган телеком" филиалида алоқа сифатини яхшилаш, рақамли АТСлар салмоғини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Телекоммуникация бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлишида ўтган йил учун пухта ишлаб чиқилган бизнес-режа муҳим омил бўлди.

Филиал таркибида 12 та шаҳар ва туман боғламалари мавжуд бўлиб, 1,3 мингга яқин ходим меҳнат қилмоқда.

Аҳолига 29 та шаҳар ва 135 та қишлоқ АТСлари хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг ўрнатилган сиғими бултур 138,3 мингтани ташкил этди.

Вилоятда телекоммуникация тизимини рақамлаштириш, шиша толали алоқа кабели тармоғини барпо этиш жадал суратларда давом эттирилаяпти. Хусусан, 2004 йилда Наманган шаҳрида Хитой Халқ Республикаси "HUAWEI" компаниясининг 9,5 минг номерли 24-электрон АТС фойдаланишга топширилди. Вилоят марказидаги АТСларни боғловчи 42,7 километр шиша толали айланма алоқа кабели тармоғи хўжалик усулида барпо этилди. Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) кредити ҳисобига вилоятда 366 километр узунликдаги шиша толали алоқа тармоғи қурилиши ўтган йилда ниҳоясига етказилди. Мазкур алоқа иншоотини ишга туширилиши билан туман марказларини боғловчи алоқа тизими вужудга келди. Шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизмати кескин яхшиланди. Телекоммуникация тармоғи орқали маълумот узатиш тезлиги ортди. Вилоят аҳолиси республиканинг бошқа ҳудудлари билан тез ва сифатли боғланиш имкониятига эга бўлди.

Бундан ташқари янги технология ва хизматларни жорий этиш орқали интернет тармоғи мижозларининг қўлами тобора кенгаймоқда. Ҳозирги кунда тўртта провайдер бўлинмалари интернет хизмати кўрсатмоқда. Наманган шаҳрида 5 та интернет кафе ишлаб турибди.

Телекоммуникация соҳасига тадбиркорларни жалб этиш борасида филиалда ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Корхонада сиғими 200 рақамгача бўлган 7 та қишлоқ автомат телефон станцияси, шаҳар ва қишлоқларда 500 дан ортиқ маҳаллий таксофон ижара шартномаси асосида фаолият кўрсатмоқда. АТСларнинг бўш сиғимларини хусусий тадбиркорларга ижарага бериш орқали вилоятда жами 11 та шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув шахобчалари ташкил этилган.

Амалга оширилаётган бу кенг кўламли ишлар натижасида даромадлар йилдан-йилга ортмоқда. Ўтган йилнинг 8 ойида олинган даромад 2,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Шунга қарамасдан Наманган ҳозирги кунда телекоммуникация тармоғини рақамлаштириш салмоғи бўйича республикамиз вилоятлари ўртасида охирги ўринларда туради. Ўрнамоқда электрон АТСлар салмоғи 19 фоиздан 86 фоизгача ортади.

Филиал аъзоларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бериладиган ижтимоий имтиёзлар жамоа келишувлари ва шартномаларида белгиланган бўлиб, улардан ходимлар мунтазам фойдаланиб келмоқдалар. Масалан, ўтган йилнинг биринчи ярмида филиал маъмурияти ва касаба уюшмаси томонидан ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига жами 241,3 миллион сўм, сарфланди. Сарфланган маблағ битта ходимга ўртача 201,4 минг сўмни ташкил этди. Ўртача иш ҳақи 61 минг 972 сўмга етди. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси тадбирларига 13,6 миллион сўм сарфланган.

Кексаларга диққат-эътибор, ғамхўрлик кўрсатишни кучайтириш ҳамда уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида ҳар йили умумхалқ байрамлари арафасида алоқа соҳасида узоқ йиллар ишлаб, пенсияга чиққан фахрийларни ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. 5 нафар нафақахўр даволаш муассасаларида корхона ҳисобидан бепул даволанди. 2 нафар пенсионерга "Чортоқ" санаторийсига, бир нафар пенсионерга "Намангангаз" санаторийсига йўлланма текин берилди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллиги байрами муносабати билан филиал дам олиш масканида бир гуруҳ меҳнат фахрийлари билан учрашув ўтказилди. Унда меҳнат фахрийлари, пенсионерларнинг ўз даврида вилоят телекоммуникация тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаларига муносиб баҳо берилиб, филиал меҳнат жамоаси ва дирекцияси номидан миннатдорчилик билдирилди ва уларга моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Мазкур тантанада алоқа ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг совғаларини фахрийларга топширилди.

С.АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

ТАШАББУС СЎНМАСИН

Шаҳрихон туманидаги «Иномжон-файз» фермер хўжалиги мунтазам равишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида 15-мактаб-интернатни оталиққа олди.

«Иномжон-файз» фермер хўжалиги раҳбари Одинахон Отахонованинг таъкидлашича, бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Янги йил байрами кунларида фермер хўжалиги меҳнат жамоаси интернат тарбияланувчиларига қишки кийим-кечак, ётоқ буюмлари ва ширинликлар совға қилишди.

Фермер хўжалиги тасарруфида катта экин майдонлари, чорвачилик фермаси мавжуд. Бундан ташқари, туманнинг иккита қишлоғида тикувчилик ишлаб чиқариши йўлга қўйилди. Хўжаликни омилкорлик билан бошқариш натижасида О.Отахонова бошлиқ фермер хўжалиги аъзолари болаларга икки миллион сўмлик янги йил совғаларини туҳфа қилишга муваффақ бўлишди.

РАВОН ВА МАФТУНКОР

«Андижонавтойўл» меҳнат жамоаси учун 2005 йил муваффақиятли якунланди. Чунки, корхона меҳнат жамоаси ўтган йилда 2004 йилга нисбатан 1,5 марта кўп иш бажарди.

«Тошкент-Андижон» давлатлараро йўлнинг Андижон участкасидага таъмирлаш ишлари тугалланди. Аввал 15 метр бўлган йўлнинг кенглиги эндиликда 22 метр бўлди. Республика аҳамиятига молик «Кўтарма-Қорасув-Хонобод» автойўлида олиб борилаётган капитал таъмирлаш ишлари ҳам якунланиш арафасида.

Корхона меҳнат жамоаси транспорт воситаларининг йўллардаги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қанча янгиликлар жорий этишди. Чунончи, катта магистрал йўлларда жой таърифи, йўналиш, йўлнинг узунлик масофаси, сўнгги манзил кўрсатгичи акс эттирилган ёрқин паннолар ўрнатилди. Транспорт воситаларининг хавфсизлигини ошириш учун ариқлар, адир ва кўприклар олдида, бурилишларда бетон плиталар ўрнатилди. Шунингдек, вилоят бўйича кўп километрли йўлаклар, автобус бекатлари, катта йўл четларида оқова сувлар учун ариқ ва каналлар қурилди.

Йўл қурувчилар жамоаси Сирдарё вилоятидаги трасса йўлларини капитал таъмирлаш ишларида ҳамда Сурхондарё вилоятидаги «Бойсун-Қўнғирот» темир йўли қурилишида ҳам фаол иштирок этишди. Амалга оширилган ишлар мобайнида андижонлик автойўлчилар қўшимча 250 та иш ўринларини ташкил этишга муяссар бўлишди.

«Туркистон-пресс»

ЯНГИ ЙИЛ ЯРМАРКАЛАРИ

Барча юртдошларимиз қатори фарғоналиклар ҳам 2006 йилни эзгу ниятлар билан кутиб олдилар. Айни кунларда шаҳар ва туманларда, меҳнат жамоаларида, ўқув даргоҳлари, маҳаллаларда байрам тантаналари давом этмоқда.

Қўқон шаҳрида ҳам байрам ўзгача тароват ва шукуҳ билан қарши олинди. Худоёрхон ўрдаси, Фурқат боғи, Чорсу мавзесига ўрнатилган улкан арча атрофига тўпланган болажонлар қишки таътилни мароқ билан ўтказишмоқда.

Айниқса, Янги йил савдо ярмаркаси ҳам арзон, ҳам сифатли маҳсулотлари билан қўқонликларга маъқул бўлаётир. Шаҳардаги кўплаб савдо муассасалари, туманлардаги фермер хўжаликлари шаҳарликлар дастурхонига ўз маҳсулотларини тортиқ қилмоқда.

Шаҳарнинг Муқимий боғи ёнида ташкил этилган савдо ярмаркасида «Навбаҳор» улгуржи озиқ-овқат бозори, «Қўқоннон», «Қўқонёғмой» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда бир қанча савдо корхоналари харидорларга намунали хизмат кўрсатяпти.

Сўнгги йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматимиз чиқарган қатор қарор ва фармойишлар ҳаётга тўлиқ тадбиқ этилмоқда. Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби, ҳатто энг чекка ҳудудларидаги тиббиёт муассасаларида ҳам соғлом фарзандларнинг дунёга келишига муҳим эътибор қаратилмоқда. Зеро, бугунги кунда дунёга келаётган чақалоқлар келажагимиз ворисларидир.

Республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг Нукус филиалида ўз касбининг жонкуяр фидойилари меҳнат қилишади. Филиал 280 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ўта малакали олий маълумотли шифокорлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари ҳар бир она ва дунёга келаётган чақалоқ тақдирига масъуллик билан ёндошадилар.

Суратда: клиника фаолиятидан лавҳа.

Б.АЛЛАШЕВ,
(ЎзА) олган сурат

Меҳнат муҳофазаси

ИНСОН АЗИЗ

(Боши 1-бетда)

Ишчи-хизматчилар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Иш жойларида хавфсиз меҳнат шароити яратилган бўлиб, меҳнаткашлар учун барча маиший қулайликлар яратилган. Техника хавфсизлиги хонаси зарур кўргазма воситалари билан жиҳозланган. Мунтазам равишда ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Тунги сменада ишловчилар учун дам олиш хоналари, бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Жамоа шартномасида белгиланганидек ҳар бир ишловчининг меҳнат муҳофазасига 50 минг сўм атрофида маблағ сарфланмоқда. Шу боисдан кейинги йилларда корхонада бирорта бахтсиз ҳодиса содир бўлмади.

«Қўрғонтепагаз» ҳудудий корхонасида ёлланма ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш тажрибасини оммалаштириш борасида республика семинари айнан андижонлик автомобилсозлар ҳузурида ўтказилганлиги ҳам бежиз эмас.

Кейинги пайтларда вилоятдаги кўпгина корхоналарда меҳнат муҳофазасининг уч поғонали назорати амал қиляпти. Бу усул 196 та корхонада жорий этилган. Хусусан, Чинободдаги Алишер Навоий номли йигирув-тўқув ҳиссадорлик жамияти, «Асакамой» ишлаб чиқариш корхонаси касаба уюшма ташкилотларида муайян муваффақиятларга эришилди.

Ўтган йиллар мобайнида меҳнат муҳофазаси талабларидан келиб чиққан ҳолда эски, иш унуми паст асбоб-ускуна ҳамда технологиялар ишлаб чиқаришдан олиб ташланди. Иш жойларини аттестациялаш, хавфсиз, соғлом меҳнат шароитини яратиш ҳамда бу борадаги ташаббусларни рағбатлантириш тадбирларига 2,5 миллиард сўм сарфланди. Яна бир муҳим жиҳати жамоа шартномалари ва битимларидаги иш жойларини яхшилашга мўлжалланган 6 минг 154 та тадбир бажарилди.

Аммо вилоятда техника хавфсизлиги борасида баъзи бир камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқдаки, бу билан сира муроса этиб бўлмайди. Ўтган йилда ишлаб чиқаришда 16 та бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Шундан 6 таси ўлим билан тугади. 10 киши оғир тан жароҳати олиб, ногиронликка юз тутди. Бу ҳолат айрим корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси қонунлари қўпол равишда бузилаётганлигидан далолат беради. Бахтга қарши айрим тармоқ касаба уюшма кенгашлари ва вакилликлари бу салбий ҳолат билан муросасозлик қилиб келишмоқда. Улар иш берувчилар олдига иш жойларини аттестациядан ўтказиш ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши бўйича қатъий талаблар қўйишмаяпти. Оқибатда жабрланувчиларнинг оиласи ўзларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини сўраб, юқори идоралар қабулхоналарида сарсон бўляптилар.

Масалан, «УзДЭУавто» қўшма корхонаси ишчиси Руслан Ниязов билан боғлиқ иш вақтида содир бўлган бахтсиз ҳодисани олайлик. Ўтган йили 11 феврал куни иш жойида соғлом меҳнат шароити яратилмаганлиги туфайли у оғир тан жароҳати олди. Аммо корхонада тиббиёт бўлими бош шифокори А. Паттаев, даволовчи шифокор М. Мирзаевларнинг ўз вазифаларига совуққон муносабатлари туфайли ушбу бахтсиз ҳодисани расмийлаштиришда сохтагарчиликка йўл қўйилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рўйхатномасида мазкур ҳолат соғлиққа етказилган жиддий зарар сифатида баҳоланди. Афсуски, шу ўринда корхона касаба уюшма қўмитаси етакчилари ҳам келишувчанлик йўлини танлашди. Ниязовлар хонадони ҳақиқат қарор топмагач, вилоят касаба уюшмалари бирлашмасига адолат излаб келди. Жабрланувчининг аризасини ўрганиш жараёнида унинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланиб, товон пуллари иш берувчи томонидан қопланди.

«Андижонёғмой» ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти ва касаба уюшма ташкилотининг раиси Ш. Тўхтабоевнинг ўз ишига ўта бефарқлиги боисидан бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган Мухтор Раҳимов билан боғлиқ ҳодисалар жамоатчиликдан яшириб келинган. Бунинг устига муросасозликка муккасидан кетган комиссия, судмедэкспертиза идораси мутахассислари ҳам юқоридаги бахтсиз ҳодисани ғайриқонуний равишда четлаб ўтиб, енгил тан жароҳати қабилида қайд этишган. Бирлашманинг аралашуви туфайли Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги жароҳатланиш, касб касалликлари бўйича соғлиқни тиклашга қаратилган қарори корхонада бажарилмаётганлиги ойдинлашди. Иш берувчи ҳисобидан марҳумнинг оиласига 8 миллион сўмга яқин товон пули ундириб берилди.

Яна бир муаммо. Бу ҳам бўлса жойлардаги меҳнат муҳофазаси вакилларининг фаолиятсизлигидир. Масалан, вилоятдаги алоқа тармоқларидаги корхоналарда ана шундай қониқарсиз аҳвол ҳукмрон. Тармоқ кенгаши ҳузурида ҳануз меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар тузилмаган. Ҳолбуки, тармоқ меҳнаткашларининг фаолияти электр энергиясидан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Меҳнат муҳофазасининг ҳал қилувчи бўғини — ёлланма ходимларни шахсий ҳимоя воситалари, парҳез таомлар, махсус кийим-бош ва пойабзаллар билан таъминлаш масаласи соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимида ҳамон ачинарлидир. Вилоятдаги айрим касалхона, болалар боғчаларида иш берувчиларнинг масъулиятсизликлари туфайли ходимлар махсус кийим-бошларни ўз ёнларидан харид қилишга мажбур бўлишмоқда. «Вилоятгаз», «Иссиқлик манбаи» корхоналарида ҳам мана шундай сусткашлик ҳукмрон.

Корхона ва ташкилотларда аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг асосий йўналишларидан ҳисобланган меҳнат муҳофазасини молиялаш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги кишини ташвишлантиради. Республика бўйича ушбу тадбирга йил давомида ҳар бир киши учун 10.8 минг сўм сарфланаётган бир пайтда вилоят енгил саноат тармоғида 8 минг 680 сўм, таълим ва фан ходимлари тармоғида 9 минг 634 сўм харажат қилинаётганлиги албатта қониқарсиздир.

С.РЎЗИМАТОВ,
Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбирлари

Ернинг эгаси ким?

НОШУДЛИК

Юртимиз равнақининг таянч устунларидан бири ҳисобланган фермер ернинг ҳақиқий эгаси, уни вужуди билан севадиган деҳқончилик сир-асрорларидан бохабар, фидойи ва тадбиркор киши бўлгандагина, иқтисодиётимиз янада равнақ топиб, халқимизнинг фаровон яшашига мустаҳкам асос яратилади. Бугунги фермер ўз ерига ўзи эгалик қилаётган қишлоқ мулкдори, авваламбор омилкор деҳқон, миришкор сувчи, механизатор, яхши иқтисодчи, ҳисоб-китобни пухта биладиган жамоа раҳбари. Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 1500 дан ортиқ фермер хўжаликлари тузилди. Уларга тумандаги 117 минг гектар ер ажратиб берилди. Етиштирилаётган пахта ва ғалланинг 90 фоиздан ортиғи фермерлар ҳиссасига тўғри келади. Кейинги пайтда иқтисодий самара бермаган 8 та ширкат тугатилиб, янгидан 930 та фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Элликдан ортиқ фермерларнинг экин майдонлари кенгайтирилди. Айни пайтда ҳар бир фермер ҳисобига ўртача 40 гектар ҳайдаладиган ер тўғри келмоқда. Ўзларига яратиб берилган шароитдан руҳланган Абди Бозоров, Ойбек Қўзиев, Исломия Абдуллаева, Худойберди Қурбонов, Эркин Алланов каби тажрибали ишбилармон етакчилик қилаётган жамоаларда пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштирилаяпти.

Фермер хўжаликларига 14 та МТП, 13 та минибанк, 10 та минерал ўғит, 14 та ёқилғи-мойлаш материаллари шохобчалари хизмат кўрсатяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 215-сонли қарорига мувофиқ ерлар талабгорларга қонунда белгиланган тартибда фақат танлов асосида берилиши керак. Бироқ танловларнинг адолатли, ҳаққоний ва ошкора тарзда ўтказилмаганлиги, экин майдонлари билимли, ташкилотчи ва деҳқончиликда етарли тажриба орттирган кишиларга берилмаганлиги туфайли 2004 йилда фермер хўжаликларидан 313 тасида, 2005 йилда 183 тасида давлатга дон сотиш шартнома режалари бажарилмади. Пахта етиштиришда ҳам жиддий қийинчиликларга дуч келинди. Йиғим-терим чўзилиб кетди.

Халқимизда «Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади» деган нақл бор. Туманнинг донадор тупроғи серунум ва ҳосилдор. Оби-тобида ишлов бериб, ардоқлаган деҳқондан саховатини аямайди. Аммо бултур суғориладиган далаларда деҳқончилик қилган 133 та фермернинг мўлжалдаги ҳосилни етиштира олмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Аслида деҳқоннинг сув, ўғит, техника ва эҳтиёт қисмлардан камчилиги бўлмади. Уруғлик вақтида етказиб берилди. Лекин майдонларни вақтида шудгорламаган, агротехник тадбирларни сифатли амалга оширмаган фермерлар шартнома режасини барбод этиб, ер чизиб қолишди.

«Ҳайдар Қурбон Ҳайит» масъулияти чекланган жамияти ерлари унумдор, сув ва ўғит таъминоти етарли даражада бўлишига қарамасдан 27 гектар майдонда 50 тонна ўрнига 24 тонна дон топширганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Лоқайдлик қимматга тушди. Энди тадбиркор 583 минг 527 сўм жарима тўлайди.

Эшбой Жумаев раислик қилаётган Қоратепа ҳудудидаги «Дашт Азлартепа» фермер хўжалиги 2004 йилда ҳам давлатдан анча дон қарздор бўлиб, хўжалик суди қарори билан 573 минг 520 сўм жарима тўлаган эди. Йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб олинмади. Фермернинг давлат олдидаги қарзи бурноғи йилгидан ошиб тушди. 21 гектар майдондан 27 тонна ўрнига атиги 8 тонна дон топширилди. Буғдой етиштириш учун 6,1 тонна азотли ўғит олинган эди. Демак фермер 1 миллион 167 минг сўм жарима, қарийб 737 минг сўм уруғлик ҳақини тўлаб қўйишга тўғри келади.

Қамаши азалдан уста пахтакорлар, миришкорлар, ғаллакорлар маскани. Лекин «Тўлқин Мурод» фермер хўжалиги аъзолари 7 гектар суғориладиган майдонга уруғ қадаб режадаги 1750 килограмм уруғ қадаб, 15 тонна ўрнига бир килограмм ҳам ҳосил олмаганлиги деҳқончиликнинг бирорта тамойилига тўғри келмайди. Лоқайдлик, билимсизлик, «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш тутганлиги туфайли давлатга 1 миллион 50 минг сўм зарар етказилди. Техника, сув, ёқилғи-мойлаш материаллари ва меҳнат харажатларини қўшиб ҳисоблаганда кўрилган зиён 1,5 бароварга ортади.

Осмондан чалпак ёғишини кутиб боқибеғамлик кайфиятига берилган деҳқоннинг косаси оқармайди. «Бобокул бобо карвон» фермер хўжалиги раиси Эркин Бобоқулов 60 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, шартнома режасини бор-йўғи 50 фоизга уддалади. Бунинг учун унга нисбатан 654 минг 620 сўм жарима қўлланилди. 284 минг 800 сўмлик уруғлик ҳақини ҳам тўлашга мажбур бўлди.

Сарҳисоблар кўрсатиб турибдики, туманнинг иқтисодий кўрсаткичлари ёмон эмас. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан 7 миллион сўм даромад олинди. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, режани барбод қилган айрим фермер хўжаликлари ҳам виждонан ишлаганларида, иқтисодий самарадорлик янада ошган бўлур эди.

И.ТИЛЛАЕВ

МОДДИЙ ЗАРАРНИ УНДИРИШ

Саволингизга ҳуқуқшунос Нормат Абдуллаев жавоб беради

Савол: моддий зарарни суд орқали ундириш қай тартибда амалга оширилади?

Мансур ТОШПЎЛАТОВ,
Қашқадарё вилояти

Жавоб: амалдаги қонунчилигимизда ҳар бир манфаатдор шахс бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқи, қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги алоҳида қайд этилган. Фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгиланганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича судлар томонидан ҳимоя қилинади. Агар қонунда ёки шартномада зарарни камроқ тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказидган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин. Моддий зарарни ундириш ҳақида даъвогар агар жавобгар жисмоний шахс бўлса, унинг доимий яшаб турган жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга, агар жавобгар ташкилот бўлса, юридик шахс жойлашган ердаги судга ёзма равишда мурожаат этади. Қонунда назарда тутилган тартибда керакли бўлган ҳужжатларни илова қилган ҳолда даъво ариза жавобгарларнинг сонига мутаносиб равишда, даъво қийматининг сўммасидан келиб чиқиб давлат божини тўлаган ҳолда берилиши мумкин.

Моддий зарарни ундириш ҳақидаги даъво талабларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида белгилаб берилганидек, умумий даъво муддатлари (3 йил) жорий қилинади. Лекин айрим турдаги даъво талаблари учун муддат жорий қилинмайди. Мисол учун, фуқароларнинг соғлигига ёки ҳаётига ва жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга даъво муддатлари тадбиқ этилмайди.

Меҳнат вазифаларини бажариш муносабати билан ходимнинг соғлигига ва ҳаётига етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар ҳам суд орқали амалга оширилади. Лекин, бунда ходим аввал зарарни ундириш ҳақидаги аризани иш берувчига бериши керак. Бу каби аризалар иш берувчи томонидан 10 кунлик муддатда кўриб чиқилади. Ходим аризада белгиланган тартибда жавоб олмаса ёки иш берувчиинг қароридан норози бўлса, мазкур низони ҳал қилиш учун фуқа ролик ишлари бўйича судларга мурожаат этиши мумкин. Ғайриқонуний ҳаракат туфайли фуқароларнинг шахсига ёки мол-мулкига , шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда уни етказган шахс томонидан тўла ҳажмда қопланиши лозим. Агар у ўз айби билан зарар етказилмаганлигини исботласа, уни тўлашдан озод қилинади. Зарар 14 ёшга тўлмаган, вояга етмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, унинг отаонаси, васийлари жавобгар бўладилар. Шахснинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаб қаноатлантирилган тақдирда иш ҳолатларига мувофиқ жавобгарга зарарни аслича қоплаш ёки тўлаш мажбуриятини юклайди.

Агар жавобгар деб топилган юридик шахс қайта тузилганда, тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти унинг ҳуқуқий вориси зиммасида бўлади. Суд мажлисига кўра ҳар бир тараф ўзининг талабларига ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Далиллар тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан судга тақдим этилади. Агар қўшимча маълумот тақдим этиш учун қийинчилик туғилса, суд уларга ёрдам кўрсатади. Шуни таъкидлаш керакки, шахснинг соғлигига ва ҳаётига етказилган зарар учун судга мурожаат этган даъвогарлар суд харажатларини тўлашдан озод қилинадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг 2002 йилдаги қўшма пленумининг 20/107 сонли қарорининг 33-бандига кўра иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркорлик мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар хўжалик судларига тааллуқлидир.

Айнан шу низоларни бир тараф қонунда белгиланган тарзда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган ёки юридик шахс мақомига эга бўлмаган фуқаролар бўлса бундай даъволар тааллуқлилиги бўйича умумий юрисдикация судларида кўрилади.

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Саволларингизга Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокурори ёрдамчиси, адлия подполковниги Алибек Чегебаев жавоб беради

Савол: ўғлим мукобил хизматни ўташ жараёнида жароҳатланган эди. Унинг учун бирон имтиёз борми?

Ж.НОСИРОВА,
Кармана тумани

Жавоб: муқобил хизматни ўтаётганда меҳнат қобилиятини йўқотган фуқаролар ва ҳалок бўлган фуқароларнинг оилалари, шунингдек, уларнинг қарамоғида бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар учун белгиланган нафақалар ва пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

Савол: олий таълим муассасаларида резервдаги ва заҳирадаги офицерларни тайёрлаш тўғрисида маълумот берсангиз.

Қ.НАИМОВ,
Ангор тумани

Жавоб: олий таълим муассасаларининг талабалари орасидан резервдаги ва заҳирадаги офицерларни тайёрлаш мазкур муассасаларда ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаларида (ҳарбий кафедралар, цикллар ва факультетларда) амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимда ўқиётган эркак талабалари, шунингдек тиббий олий таълим муассасаларининг талабалари жинсидан қатъи назар ҳарбий тайёргарликдан ўтадилар.

Ҳарбий тайёргарликка йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли талабалар жалб қилинадилар.

Талабаларни ҳарбий тайёргарликдан ўтишга қабул қилиш уларнинг шахсий аризаларига биноан ихтиёрий асосда амалга оширилади. Ҳарбий хизматни ўтаб келган талабалар ҳам резервдаги ва заҳирадаги офицерлар таълими дастури бўйича ҳарбий тайёргарликдан ўтишлари мумкин.

Олий таълим муассасаларининг ўқув бўлинмаларида ҳарбий тайёргарликдан ўтган, таълим дастурини ўзлаштирган ва белгиланган давлат имтиҳонларини топширган талабалар уларга лейтенант унвони берилганидан кейин ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладиган ёки резерв ёҳуд заҳирага ўтказиладилар.

Олий таълим муассасаларининг ўқув бўлинмаларида ҳарбий тайёргарлик таълимидан ўтмаган талабалар таълим муассасасини тамомлаганларидан кейин ушбу Қонунга мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун чақириладилар. Офицерларни тайёрлаш дастурларини олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги зиммасига юклатилади.

Олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмалари йўналиши, резервдаги ва заҳирадаги офицерлар тайёрлашда асосланиладиган ихтисосликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, агар бу таълим муассасалари базасида ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмалари ташкил этилган бўлса, мазкур таълим муассасаларининг аниқ мақсадли молиялаштирилишини амалга оширади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг кўмагида зарур ўқув-моддий базасини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги талабаларнинг ҳарбий тайёргарлиги устидан назоратни, ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига офицерларни олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан келишилган ҳолда танлаш ва тайинлашни амалга оширади. Ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмаларининг ўқитувчилигига ва бошқа лавозимларга ҳарбий хизматчиларни тайинлаш олий таълим муассасаларининг ректорлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилади. Ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмаларининг ҳарбий лавозимларига тайинланган ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар учун белгиланган кафолатлар ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

Савол: мен контракт бўйича ҳарбий хизмат қилишга қизиқаман. Аммо бу борада аниқ тасаввурга эга эмасман. Шу боис, хизматнинг ана шу тури ҳақида аниқ маълумот берсангиз.

С.ҲАКИМОВ,
Хонқа тумани

Жавоб: контракт бўйича ҳарбий хизмат Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир.

Ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаган фуқаролар контракт бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўтайдилар.

Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари контрактда белгиланади. Айни пайтда, дастлабки контракт хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича уч йил, офицерлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича беш йил муддатга тузилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари билан ўқиш даври учун келгусида уларнинг офицерлар таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни камида беш йил мажбурий ўташ шарти билан контракт тузилади.

Ҳарбий хизматнинг контрактда назарда тутилган муддати тугаганидан кейин тарафларнинг келишуви билан бу муддат янги контракт тузиш орқали узайтирилиши мумкин. Контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Автопойга

«ДАКАР»НИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

Автопойгаларнинг энг машҳури саналмиш «Дакар» ралли мусобақалари қизғин паллага кирди. Учинчи босқичдан сўнг юк машиналари пойгасида пешқадамликни Россиянинг «КамАЗ» жамоаси қўлга киритди. Машҳур пойгачи Владимир Чагин бошқараётган жамоа бу супермарафонда кўп марта ғолиб чиққанини эслатиш жоиз.

Жазирама Африканинг Марокаш давлати Надор ва Эр-Рашид шаҳарлари оралиғидаги масофада учинчи босқич пойгалари ўтказилди. Мотоциклчилар пойгасида австралиялик Энди Кальдикотт биринчи бўлиб маррага етиб келди. Енгил автомобиллар таснифида Жан-Луи Шлессерга тенг келадиган пойгачи топилмади. У уч соат мобайнида 627 километр масофани босиб ўтди. «Мицибиси» вакили Хироши Масуока ундан атиги 19 сония ортда қолди.

«Дакар» пойгачиларининг Оврўпа қитъасида ўтказилган босиқичларида етакчилик қилган «Мотадор» жамоаси Африка саҳросида омадсизликка учради. Машҳур пойгачи Карлос Сайнау бошчилик қилаётган бу жамоа умумий ҳисобда 4 -ўринга тушиб қолди.

Футбол

КАССАНО-«РЕАЛ» САФИДА

Дунё футболи юлдузларини ўз сафида жамлаган Мадриднинг «Реал» жамоаси жароҳатлар гирдобидан чиқа олмаяпти. Жамоанинг ҳужум чизиғида ҳаракат қилаётган Раул, Рональдо каби асосий таркиб футболчиларнинг узоқ вақт майдонга туша олмаслиги «Реал» жамоаси раҳбариятини янги ҳужумчи сотиб олишга мажбур қилди.

Италия «А» сериясининг «Рома» клубида тўп сураётган Антонио Кассано 5,5 миллион евро эвазига қироллик клубига сотиб юборилди. «Рома» жамоаси шундай қилишга мажбур бўлди. Чунки жамоанинг ўтган йили франциянинг «Осер» клубидан сотиб олган ҳимоячи Филипп Мексес учун қарзини тўлашга пули қолмаганди.

Кассанонинг ўзига келсак, у кеча Мадридга учиб келган. Ҳозирда тиббий кўрикдан ўтаётган ҳужумчи келгуси якшанбаданоқ «Вильяреал» жамоасига қарши майдонга тушиши мумкин. Бу трансфернинг яна бир қулай жиҳати Кассано «Реал» сафида чемпионлар лигаси баҳсларида ҳам қатнашиши мумкин. Чунки у олдинги жамоасида бу турнирда қатнашмаган.

АФРИКА КУБОГИДА ҚАТНАШМАЙДИ

Гана терма жамоаси ҳамда «Чельси» жамоасининг ярим ҳимоячиси Мишел Эссен 20 январда бошланадиган Африка кубоги баҳсларида қатнаша олмаслиги мумкин. Бу ҳақда «Чельси» жамоаси бош мураббийи Жозе Мауриньо УЕФА расмий сайтига маълум қилган.

Спорт оламида

Сўнгги турда «Вест Хэм» жамоасига қарши ўйинда Эссен тизза қисмидан жароҳат олган.

– Эссен Африка кубоги баҳсларида ўз жамоасига ёрдам бера олмайди. Шу боис у жароҳатини жамоада даволатгани маъқулроқ,- деган жамоа мураббийи.

У жамоада тўп сурадиган бошқа Африка қитъаси вакилларига, яъни камерунлик Жереми Нжитап ҳамда Кот Д'ивуарлик Дидье Дрогбаларга ўз ватанларига кетишга рухсат берган.

Эслатиб ўтамиз, бу нуфузли турнир Мисрда 20 январдан 10 февралгача давом этади.

ЧЕМПИОНЛИККА КУЧИ ЕТМАЙДИ

Англия премеросининг 21-туридан сўнг чемпионликка асосий даъвогар Роман Абрамовичнинг «Чельси» жамоаси бўлиб қолди. Уларнинг яқин таъкибчиси «Манчестер Юнайтед» жамоаси 21-турга қадар чемпионатдан 14 очко ортда бораётганди.

Бу тур «қизил иблислар» учун пешқадамга яқинлашиш учун қулай имконият эди. Бироқ, «Хайбери» ўйингоҳида Лондоннинг «Арсенал» жамоаси билан бўлган ўйин барча масалага нуқта қўйди. Ўйинда дуранг натижа қайд этилиши ҳар икки жамоа учун ҳам фойдасиз бўлди. Энди мутахассисларнинг эътирофича пешқадамни қувиб етиш хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Буни жамоа бош мураббийи Алекс Фергюсон ҳам тан олган:

– «Чельси» кўрсатаётган барқарор ўйин олдида биз ҳеч нарса қила олмаймиз. Умид қиламанки, яқин орада чиройли ўйинлар кўрсата оламиз. Бизда ёш футболчилар тўп суради, улар яқин йилларда ўзларини кўрсатадилар.

Баскетбол

«КЛИВЛЕНД» ҒАЛАБАСИ



Миллий баскетбол ассоциациясининг навбатдаги турида лиганинг энг номдор жамоаси «Чикаго Булз» клуби кетма-кет саккизинчи марта мағлубият аламини тотиб кўрди.

Бу сафар бир пайтлар машҳур Майкл Жордан ўйнаган жамоани «Сиэтл» клуби 101:97 ҳисобида доғда қолдирди. Ҳаттоки литвалик Дарюс Сонгайл томонидан жамғарилган 20 очко ҳам уларга ёрдам бера олмади.

Леброн Жемснинг чиройли ўйинлари «Кливленд» жамоасига «Милуоки» клуби устидан 91:84 ҳисобида зафар қучишида муҳим рол ўйнади. У ўйинда 32 очко жамғарди. Бу ғалаба жамоага Шарқий ҳудудда иккинчи ўринга муқим жойлашиб олишига имконият берди.

А.ЮНУСОВ тайёрлади

ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Тошкент вилояти заршунослари бултур ғалладан мўл ҳосил қўтаришди. Албатта, тинимсиз меҳнат ва барча агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ана шундай ютуққа эришилишида муҳим омил бўлди. Айни чоғда деҳқонлар жорий йилда ҳам бунданда юксак хирмон қўтариш максадида 129.5 минг гектар майдонда бошоқли дон парвариш қилишмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида таъкидланган фикирлар асосида аҳоли ҳудудлари ва хонадонларида тозалик, ободончилик ишларини амалга ошириш мақсадида маҳаллий ўғитларни далага, ғалла майдонларига ташкилий равишда чиқаришни таъминлаш бўйча ишчи гуруҳи тузилиб тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Дастурда белгиланганидек, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари биринчи навбатда олиб чиқиб кетилиши лозим бўлган маҳаллий ўғитлар жойлашган жойларни аниқлаб, ҳар бир хўжалик ҳудудидан шарбат оқизиш учун қазилган хандаклар ва уларга чиқарилган маҳаллий ўғитлар бўйича мониторинг ўрнатишди. Албатта, аҳоли пунктлари ва хонадонлардаги чиқинди ва маҳаллий ўғитларнинг ўз вақтида далага чиқарилиши биринчи галда аҳоли ўртасида хар ҳил юқумли касалликларнинг олдини олишда жуда муҳимдир. Қолаверса, бу мўл ҳосил гарови бўлиб, энг асосийси вилоятда тоза экологик муҳитни яратиш учун яхши омилдир. Шу бугунга қадар вилоят бўйича 2000 тоннадан ошиқроқ маҳаллий ўғит жамғарилган бўлса, компост учун хандак ковлаш 17000 тани ташкил этмоқда.

Юқорида эътироф этганимиздек, ушбу ишларнинг амалга оширилишида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари самарали меҳнат қилишаётир.

Қ.СОҚИЕВ,
Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича мутахассиси

САХОВАТ

Юртбошимизнинг савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, деган сўзлари бугун янада чуқур маъно касб этмоқда. Орамизда етим-есирларнинг ҳолидан хабар олиб, уларнинг ўксик қалбларига шуур бағишлаётган саховатпеша, мурувватли инсонлар жуда кўп.

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ходимлари Хомийлар ва шифокорлар йилининг дастлабки кунларида Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 700 минг сўмликдан ортиқ кийимкечак, ўқув қуроллари, дарсликлар совға қилди.

ЗАНГОРИ ОЛОВ ТАФТИ

Янги йилнинг илк кунларида Беруний туманидаги Улуғбек номли фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги 200 хонадонда «занғори олов» ёнди.

Бу ердан етти километр масофагача юқори босимли газ қувури ётқизилиб, «Қизилқалъа» газ тақсимлаш шохобчасига уланди. Яна уч километр масофага кичик босимдаги ички газ тармоғи тортилди.

Ҳашар йўли билан амалга оширилган бу хайрли ишга 30 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

(ЎзА)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"TULPOR" савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

- *Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.*
- *Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.*
- *Автомобилларга божхона солиғи тўланган.*
- *Уларнинг сифати тўла кафолатланади.*

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.

«ОАО «Узхимфарм» объявляет о проведении внеочередного общего собрания акционеров, которое состоится 25.01.2006 г. в 15.00 по адресу: г. Ташкент, ул. Т. Шевченко, 23, в административном здании ОАО «Узхимфарм»

Повестка дня:

1. Утверждение аудитора и предельного размера оплат его услуг.
2. Довыборы Наблюдательного Совета.

Наблюдательный совет.

Сообщение о существенном факте ОАО «Узхимфарм»
Наступление даты закрытия реестра
Порядковый номер сообщения — 07

1. Дата принятия решения о дате, на которую составляется список владельцев ценных бумаг — 04.01.2006 г.
2. Дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг — 06.01.2006 г.

Олисга ташланган нигоҳ

Спортга қизиқмайдиган бола бор эканми? У ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари жисмоний тарбия дарсини орзиқиб кутар, ҳар бир машғулотга жиддий тайёргарлик билан келарди. Айни пайтда Нишон маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган Сирожиддин Ашуровга тенгдошлари ҳавас билан боқади. Бугун унинг кўксида ялтираб турган шода-шода медаллар нафақат истеъдод, шунингдек, самарали меҳнат маҳсули ҳамдир.

СИРОЖИДДИННИНГ ОЛТИН МЕДАЛЛАРИ

Каратэ билан шуғулланаётган ёш спортчи нуфузли мусобақаларда иштирок этмоқда. Эътироф этиш лозим, унга бошқаларга қараганда осон. Доимо отаси ёнида. Устоз дегани шундай бўлса-да! 2003 йилда Тошкентда ўтказилган мусобақада ўз вазни тоифасида биринчи олтин медалга сазовор бўлганидан буён ишлари олчи. Ҳамиша совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

- Сирожиддин ўзининг аъло ўқиши ҳамда жамоат ишларида фаол иштироки билан ҳам барчанинг ҳурматини қозонган, - дейди коллеж директори Шеробод Равшанов.

Шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилишни ният қилганлар коллежда оз эмас. Олим Тўланов, Рустам Абдураҳмонов, Актам Файзуллаев сингарилар Сирожиддин билан ёнма-ён машғулотларда қатнашиб маҳоратларини чархлаб боришаяпти. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Абдихалил Раҳимов ҳам меҳнатлари зое кетмаганидан мамнун.

Илм масканида кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида билим бериш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий спорт-соғломлаштириш маркази, ўйингоҳ, қишки спорт зали талабалар ихтиёрида. Ўқиш амалий машғулотлар билан қўшиб олиб борилаётганлиги келажагимиз эгаларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Коллежда 767 нафар талаба 7 йўналиш бўйича билим олмоқда. Бу ерда тўгараклар иши ҳам яхши йўлга қўйилган. 21 та тўгаракда 500 га яқин ўқувчи-ёшлар касб маҳоратларини оширмоқдалар. Масалан, Шоҳиста Ҳамдамова раҳбарлик қилаётган зардўзлик тўгарагини олайлик. Айни пайтда 25 нафар қиз момолардан қолган касбни ўзлаштириб олмоқдалар. Келин-куёв либослари, ёстиқ жилдлари, тиллақош, чойнакпўш сингари маҳсулотлар талаба қизлар қўлида сайқал топиб, элга манзур бўлмоқда. Сарвиноз Узоқова, Гулнора Асқарова, Муаззам Турсунова, Орзигул Раҳмонова сингари талабалар ҳозирданоқ мустақил ишлашга тайёрдирлар.

Қайта таъмирланиб, замонавий ўқув хоналари ҳамда жиҳозларга эга бўлган илм масканида педагог ходимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда маъмурият ҳамда касаба уюша қўмитаси фаол иш олиб боряпти. Маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, 100 ўринли талабалар уйи ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган.

Коллеж жамоаси ёшларнинг бўш вақтларининг мазмунли ўтишини таъминлаш учун ота-оналар ҳамда Байналмилал маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда уюштираётган турли кечалар бесамар кетмаяпти. Бу тадбирлар уларнинг дунёқарашини шакллантирибгина қолмай, салбий иллатларнинг ҳам пайини қирқмоқда.



Ш.СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Билган яхши

Диёримизда наъматакнинг бир неча турлари ўсади. Улар Беггер наъматаги (оқ хоргул), оддий наъматак, Қўқон наъматаги, хоргул, хамирча, итмурун, шиповник каби номлар билан аталади.

КОНИ ФОЙДА НЕЪМАТ

Наъматак меваси таркибида витаминлардан С, В2, Р, Е ва К, шунингдек, каротин, қандлар, органик (лимон, олма ва бошқа) кислоталар, флавоноидлар, пектин, ошловчи моддалар, калий, темир, марганец, фосфор, кальций, магний тузлари, уруғида эса мой ва бошқа бирикмалар мавжуд. Машҳур табиб Абу Али ибн Сино таърифлашича, наъматакнинг барча турлари тозаловчи ва суюлтирувчидир... Қулоқлардаги қуртларни ўлдиради, қулоқ шанғиллаши ва гувуллашига, шунингдек, тиш оғриғига фойда қилади. Ёввойи хилини пешонага чапланса, бош оғриғини босади. Унинг барча турлари бурун тешикларидаги тиқилмаларни очади... Наъматак томоқдаги ва бодомсимон безлардаги шишлар учун фойдалидир.

Наъматак гули, меваси, уруғи, барги ва илдизи халқ табобатида қадим замонлардан бери қўлланиб келинади. Наъматак турларининг мевасидан тайёрланган дамлама ва қайнатмалар халқ табобатида ўпка сили, жигар, ўт қопчасининг яллиғланиши, меъда-ичак, буйрак, қовуқ касалликларини даволаш учун ҳамда бачадондан қон кетишини тўхтатувчи, иситма қолдирувчи, ўт ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади. Бу дори турлари билан оғиз бўшлиғи касалликлари (милк яллиғланиши ва ундан қон оқиши)да оғиз чайилади.

Наъматак меваси организмни қувватлантиради, модда алмашинувини яхшиласа, ёнғоқчалари буйрак ва сийдик йўллари касалликларида, пешоб ҳайдаш учун ишлатилади. Ўсимлик илдизидан тайёрланган дамлама ва қайнатма халқ орасида меъда ва жигар касалликларига, баргининг кукуни эса яраларга даво сифатида қўлланилади.

Наъматак мевасидан тайёрланган дамлама тинка қуриши, бедармонлик ва камқонликда ижобий таъсир кўрсатувчи синалган омиллардан ҳисобланади. Дамлама болаларда кузатиладиган майда тошмаларни, йиринглисептик асоратларга мойиллиги бор ўткир юқумли касаллик – қизилча (скарлатина)ни, терлама (тиф)ни ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади.

Замонавий тиббиётда ишлатиш учун наъматак мевасидан дамлама, экстракт ва шарбат (хўл мевасидан) ҳамда таблеткалар, холосас каби доривор воситалар тайёрланади. Мазкур дорилар авитаминоз хасталигини ва атеросклерозни даволашда, ўт ҳайдаш мақсадида ишлатиладиган каротолин препарати битмайдиган яралар, дерматитлар, қўтир, қичима, экзема, псориоз ва бошқаларни даволаш учун фойдаланилади. Наъматак турлари мевасидан витаминли ва поливитаминли чойлар-йиғмалар, озиқ-овқат саноатида эса витаминга бой концентратлар, конфетлар ва бошқа қандолат маҳсулотлари тайёрланади.

Фойдали маслаҳатлар:

1. Чой ўрнига наъматак баргларини дамлаб ичиш мумкин.

2. 2 ош қошиқ наъматак мевасини 500 мл қайноқ сувда термосга солиб, 24 соат сақланади ва сиқиб сузиб олинади. Овқатдан олдин 100 мл.дан 2-3 маҳал камқонлик, қувватсизлик, атеросклероз, буйрак ва жигар касалликларида ичиш тавсия этилади. Ундан ташқари, шамоллаш ва авитаминоз ҳолатларда ҳам ёрдам беради.

3. Бир ош қошиқ майдаланган наъматак баргини 300 мл қайноқ сувда 2-3 соат ёпиқ идишда дамлаб қўйилади ва сузилади. Икки ош қошиқдан асал билан 2-3 маҳал овқатдан олдин ичилса, битиши қийин яраларни даволашда ёрдам беради.

4. Наъматак ва қорақатдан бир ош қошиқдан олиб қайнаб турган сирли идишдаги 1 литр сувга солинади. Беш дақиқадан сўнг қайнатма оловдан олиниб, бир соат давомида ўраб дамлаб қўйилади. Сўнгра шарбати сузилиб, унга шакар қўшилади. Витаминли чойдан кунига 4-5 маҳал ярим стакандан ичилади.

5. Агар кунига 2 грамм қуритилган наъматак мевасидан майдалаб истеъмол қилинса, инсон ёшини узайтириш ва жинсий қувватни сақлаш хусусиятига эга.

6. Бир чой қошиқ наъматак гулининг устига 200 грамм сув қуйиб 15-20 дақиқа паст оловда қайнатилади ва совигач, сузиб олиб оғриган кўз ювилади.

7. Камқонликда (анемия) 2 ош қошиқ наъматак мевасини 200 грамм сувга ярим соат чойдек дамлаб, кунига 3 маҳал овқатдан 1-1,5 соат кейин ичиш мумкин.

Эслатма: 1. Агар наъматак дори-дармонларидан кейин ич дам бўлса ёки қулдираш ҳолати пайдо бўлса, шивит ёки петрушка ошкўкларидан истеъмол қилиш тавсия этилади.

2. Наъматакдаги витамин С – аскорбин кислотаси тиш эмал қаватини емириши боис, наъматак дори-дармонларини истеъмол қилгач, албатта оғизни илиқ сув билан чайиш керак.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент

ВАСИЙЛИК КЕНГАШЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

«Халқ таълими тизимидаги муассасаларда васийлик кенгашлари тўғрисида Низом» қабул қилинди. Бозор иқтисодиёти шароитида мактаб бошқарувини эркинлаштириш ҳамда таълим муассасаларнинг инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим омил бўлган бу жамоатчилик ҳаракати жойларда қўллаб-қувватланди.

Ота-оналар қўмитасининг маблағ билан боғлиқ фаолияти ҳам васийлик кенгашининг диққат-эътиборида бўлади. Мактаб бюджетидан ташқари қонуний йўл билан маблағ топиш жараёнлари ҳам васийлик кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

А.АЛИЕВ

Эҳтиром рамзи

ШАРҚ ДОНИШМАНДЛИГИНИНГ ГЎЗАЛ КЎЗГУСИ

Ғафур Ғулом ёшлигидан муаззам форсий сўз санъати таъсирида камол тогди ва бу қизғин муҳаббат уни умрининг охиригача тарк этмади. Кўпгина шеърларида у форсий салафларини алоҳида ҳурмат ва ҳавас билан тилга олади, уларга бўлган чексиз эҳтиромини баён этади, улардан ҳамиша маҳорат сабоғини ўқиётганлигига ишора қилади.

Форсий адабиётга муҳаббат Ғафур Ғуломга ота-онасидан ўтган: ўзбек адабиёти қатори, форсий сўз санъатидан ҳам анча-мунча хабардор бўлган отаси Ғулом Мирзо «Мирзо» ва «Ғулом» тахаллуслари билан шеърлар ҳам машқ қилиб турган. Ўз навбатида, шоирнинг онаси Тошбиби Шоюсуф қизи ҳам ҳар икки тилдаги адабиётга «тиши ўтадиган» маърифатли аёллардан бўлган.

Ўзининг таржимаи ҳолида Ғафур Ғулом 9 ёшида савод чиққани, Навоий билан бирга, Ҳофиз ва Саъдий асарларини ҳам бемалол ўқигани ҳақида ёзади. Кейинчалик шоир барча Шарқ сўз санъати буюк намояндаларини ўзининг хеш-акраболари деб атаган эди:

«Мен – шарқ шоириман. Шунинг учун Шарқ классикларининг ҳаммаси менинг хеш-акраболарим, десам, ажабланарли бўлмас. Менинг бу хеш-акраболарим – форс шеъриятининг отаси Абу Абдулло Жаъфар ибн Муҳаммад бинни Абдураҳмон бинни Одам Рудакий, Ҳаким Абулқосим Фирдавсий, Ҳаким Умар Хайём, шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон ибн Аҳмад Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий ва бошқалар.

Мени шуларнинг мероси ва анъаналари тарбиялаган».

Маълум бўладики, форсий адабиётга муҳаббат шоирга «қўндоқдан теккан», ўзи айтмоқчи, «сут билан кирган».

Ғафур Ғулом бир умр муаззам форс адабиётидан ўрганган, улкан сўз санъаткорларининг асарларидан таъсирланган, уларни таржима ва тарғиб қилган, шеърларида номлари ва асарларини фахр билан тилга олган, машҳур байт ва мисраларини тазмин сифатида келтирган, улар яратган қаҳрамонларга талмиҳ санъати воситасида ишора қилган, уларнинг ҳаёти ва ижоди хусусида мақолалар ёзган, маърузалар ўқиган. Чунончи, у Низомий ва Жомий ижоди ҳақида, Жомий ҳамда Навоий ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик тўғрисида махсус тадқиқотлар яратди. Рудакийнинг «Қариликдан шикоят» маснавийси, Саъдий «Гулистон»ининг кириш қисми ҳамда биринчи ва иккинчи фаслидаги 800 мисра шеърини (бевақт ўлим бу ишни якунлашга йўл қўймаган), Жомий ва Фоний ғазаллари, Бедил рубоийларидан намуналарни маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилган. У айниқса, Ҳофиз ва Бедилни айрича муҳаббат билан севар, шеърларида, мақолаларида бу икки шоирдан иқтибос келтиришни хуш кўрарли. Шуни назарда тутиб, адабиётшунос Мирзааҳмад Олимов: «Ҳофиз ва Бедилларсиз Ғафур Ғулом шеъриятини илмий тадқиқ этиш қийин», – деб ёзган эди.

Ғафур Ғулом шеърларида форсча мақоллар, халқ қўшиқлари, улкан шоирларнинг машҳур байт ва мисраларини кўпинча таржимасиз – тазмин сифатида ишлатган.

Ўз даврида Ўзбекистонда форсий адабиётни Ғафур Ғуломдан зўр биладиган аллома бўлмаган. Бу соҳада иш олиб бораётган мутахассис борки, маслаҳат сўраб, Ғафур Ғуломнинг қошига келар эди. Ўз навбатида, илми ҳам, меҳри ҳам дарё бўлган Ғафур Ғулом ҳеч кимдан ёрдамини аямасди. У форсий адабиётни ўрганиш, таржима ва тарғиб қилиш ва нашр этиш ишларига ҳамиша бош-қош эди.

Ғафур Ғулом ижодига Шарқ мумтоз шоирларининг таъсири катта бўлгани шубҳасиз. Рудакийга хос самимият, халқчиллик ва туйғулар нафосати, Фирдавсийдаги ғурур ва қўламдорлик, хайёмона ҳикмат ва фалсафа, саъдиёна донишмандлик, ҳофизона ҳассослик ва исёнкорлик, хусравона сўзни сеҳргардай ўйнатиш ва оташин эҳтирос, Низомий ижодига хос кенглик ва теранлик, навоиёна бадиий юксаклик, жомиёна улуғвор соддалик ва донолик, бедилона кўп маънолилик, фузулиёна жўшқинлик Ғафур Ғулом шеъриятининг ҳам қат-қатига сингиб кетган. Қаҳрамон шоир Абдулла Орипов таъбири билан айтганда: «Ғафур Ғулом истеъдодининг юксак парвозига толмас қанот берган зўр куч қадим Шарқ шеъриятининг муборак нафасидир».

Бу улуғ сўз санъаткорлари силсиласида бир шоир борки, унинг куллиётини Ғафур Ғулом ҳаёти мобайнида қўлидан қўймаган, аксарият шеърларини ёд билган ва ундан бир умр таъсирланган. Бу – Мирзо Абдулқодир Бедил. Унинг Бедилга эътиқод ва муҳаббати қанчалик баланд бўлганлигини деярли барча замондошлари ёзиб қолдирганлар. У Садриддин Айний, Собир Абдулла, Ҳабибий, Сайфий, Маҳжурий, Боқий домла каби форсий адабиёт билимдонлари билан учрашганда бедилхонлик қилиб турган. «Ғафур ака Ўзбекистондаги бедилхонларнинг энг зўри ҳисобланарди, – деб эслайди шогирди, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад. – У Бедил шеърларини ёд айтар, форс тилининг гўзал оҳангларини жуда нозик ўқирди». Бу борада шоирга Бедил ҳақида махсус тадқиқот яратган Айний ҳам тан берган экан.

Ғафур Ғулом бўш қолди дегунча мутолаа қилган, кўпинча бирор шеър ёзишдан олдин Бедилни ўқиб, руҳини созлаган. Фалсафий теранлиги билан шоир ижодининг гултожи бўлган «Вақт» шеърини ёзишдан аввал ҳам Бедилга мурожаат қилганини Саид Аҳмад ўз хотираларида ёдга олган. Унинг ёзишича, ушбу шеър ёзилишидан олдин у «то ярим кечагача Бедилни ўқиб, маъносини тушунтириб берган». Бугина эмас. «У донолар даврасида доно эди, – давом этади адиб. – У Бедилни, Ҳофизни, Жомийни севиб ўқирди».

Шоирнинг қизи Олмос ёзади: «то умрларининг сўнггигача иш столларининг устида Мирзо Абдулқодир Бедилнинг қизил чарм муқовали «Куллиёти Бедил» китоби турар эди...

Бедилнинг китоби, бир жиҳатдан, ўзининг катталиги билан, иккинчи жиҳатдан эса, ўқиёлмаганимнинг сабабидан бизга сеҳрли бўлиб туюларди. Дадам бирон нарсадан хурсанд бўлсалар ҳам, хафа бўлганларида ҳам мана шу китобни ўқир эдилар».

Бедилга муҳаббатини шоирнинг ўзи ҳам шеърлари, мақола ва хатларида таъкидлаб ўтган. Жумладан, Валижон Мирзаевга йўллаган мактубида: «Менинг улуғ бобом Мирзо Абдулқодир Бедил», – деб ундан бир байт мисол келтириб ўтса, «Рубоийлар» мақоласида ёзади: «Мирзо Абдулқодир Бедилнинг кўп байтлари ўз фалсафий мазмуни билан жуда катта бир бадиий асар бўларли маънони қамраб олади». Машҳур «Соғиниш» шеърида эса шундай банд бор:

Тонг отар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.
Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.

«Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» шеърида ўқиймиз:

Шеър ўқийлик Лутфийдан,
Навоийдан,
Бедил, Фурқат, Пушкин ила
Жомийдан,
Кейин қолмай замона айёмидан,
Дил ёрисин мисралар илҳомидан,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг,
дўстларим!

«Сарҳисоб» шеърида шундай ташбеҳларга дуч келамиз:

Навоий байтидай тўлқинли ёшлик,
Бедилнинг шеъридай фалсафий умр...

Маълумки, тазмин деб шеърда ўз фикри ё ҳис-туйғуларини кучайтириш, тасдиқлаш мақсадида бошқа бирор шоир шеъридан байт ёки мисра келтиришни айтадилар. Бунда тазмин қилинаётган шоирнинг номи тилга олиниши ҳам, олинмаслиги ҳам мумкин. Ғафур Ғулом ўз ижодида бу санъатдан «қўб ва хўп» фойдаланган. Чунончи, «Боғ» шеърининг сўнгги бандида Бедилнинг бир мисрасини тазмин сифатида келтиради:

Кимда бордир бу чамандан гул узишнинг нияти,
Қайси лабларга томар бу севгили боғ шарбати?
Бу тўлиқ жом бир умрга ишчиларнинг навбати,
«Бода бар ҳар табъ мебахшад жудо хосияте»,
(Боданинг ҳар кимсага бор ўзга бир хосияти),
Ишладинг, кел, тот, деганда, тотмайин қолғайми мен?

Маълумки, Бедил – Шарқ сўз санъатида услуби мураккаб шоир сифатида машҳур. Унинг асарларини ўқиб тушуниш, қават-қават тимсолу ташбеҳларга ўралган фикрларининг маъзини чақишнинг ўзи қийин — алоҳида филологик тайёргарликни тақозо қилади. Теран фалсафий фикрларни юксак бадиий усулда талқин этиш эҳтиёжи шоир услубининг мураккаблиги, тилининг оғирлигини келтириб чиқарган.

Бедил шеърларининг кўп маънолилиги ҳақида ҳатто ривоятлар ҳам тўқилган. Маълумки, шоир ижоди мактаб ва мадрасаларда махсус дастур сифатида ўқитилган. «Шарқ донишмандлигининг гўзал кўзгуси бўлган бедилхонлик анжуман»лари машҳур бўлган.

Ғафур Ғулом асарларининг ўн жилдлигини нашрга тайёрлаган Ваҳоб Рўзиматов бу ҳақда шундай маълумот беради: «Маълумки, Шарқда бедилхонлик билимдонлик ва заковатнинг чўққиси ҳисобланиб кетган. Улкан аллома ва ҳассос шоир Ғафур Ғулом Бедил асарларини мунтазам мутолаа қилибгина қолмай, уни ўз устози деб билар, чуқур эҳтиром билан аждоди деб ҳисоблар эди. Биз Ғафур Ғулом асарларида Бедил ҳақидаги сатрларни кўп учратамиз, унинг шоир ижодига таъсирини кўрамиз. Шунга кўра адабиёт мухлисларида бадиий таржима борасида самарали иш олиб борган забардаст адиб Ғафур Ғулом ўзи ғоят улуғлаган устози асарларини нега таржима қилмади, деган савол туғилиши табиий. У Бедил асарларидан кичкина бир намунани, шунда ҳам ҳамкорликда таржима қилган. Агар шоирнинг шахсий архивидаги ўн беш мисрага яқин парчани айтмасак, у Бедил асарлари таржимасига қўл урмаган.

Сўз Бедил таржимаси ҳақида борганда, Ғафур Ғуломнинг ўзи шундай деган экан: «Буларни таржима қилиш осон гапми? Бунинг учун тилни билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларнинг буюклигини ўқувчиларга етказиш учун ҳар бир сўзнинг руҳини илғаб, нозик ҳисларининг жарангини ҳам бера олиш керак. Уларнинг руҳини ранжитиб қўйишдан қўрқаман...»

Маълум бўладики, Мирзо Бедил ва Ғафур Ғулом – алоҳида тадқиқот мавзуи. Бедилнинг Ғафур Ғулом ижодига таъсирини ўрганмай туриб, бу ҳассос шеъриятнинг ҳақиқий баҳосини бериб бўлмайди. Зеро, бедилона фалсафий теранлик Ғафур Ғулом шеърларининг ҳам асосини ташкил этади.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Таассуф

Халқимизда ўт балосидан, сув балосидан асрасин, деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам лоқайдлик ва эътиборсизлик айрим ҳолларда ёнғинлар келиб чиқишига сабаб бўлаяпти.

ТИЛСИЗ ЁВ — БЕАЁВ

Баъзи бир корхона ва ташкилотлар, аҳоли турар-жойларида ёнғин хавфсизлигининг олдини олишга қаратилган тегишли чоратадбирлар кўрилмаётганлиги қимматга тушаётир. Магистрал йўллар, кўча ва чорраҳаларда кўп қавватли уйлар, маъмурий бинолар олдида шаҳарсозлик ва архитектура меъёрлари, коммуникация, транспорт, санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайдиган умумий овқатланиш нуқталари, дўконлар, режасиз бинолар қуриб ташланганлиги жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Текширув чоғида Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номли маҳалланинг Жайҳун кўчасида фуқаро С.Назаров ўзбошимчалик билан ошхона қуриб олганлиги маълум бўлди.Ушбу кўчанинг ўзида тадбиркор Т.Исломов тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан, ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилмасдан юқори кучланишли электр линияси ўтган жойда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонасини бунёд этишга киришган.

Муборак шаҳрининг 4-митти туманидаги 23-уй ёнидан фуқаро Р.Раҳмонов ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиб гараж биносини қурган. Косон шаҳри Охунбобоев кўчасидаги уй ёнида С.Шарофитдинов томонидан эса тандирхона барпо қилинган. Бундай лойиҳасиз қурилишлар шаҳар ва туманлар ҳуснига доғ бўлиб тушиши билан бирга ёнғин хавфсизлигига ҳам путур етказади.

Оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиб, носос электр, газ асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларни гугурт билан ўйнашига йўл қўйиш кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келади.

Ғузор туманидаги М.Некқадамов кўчаси ва Афғонбоғ қишлоғида яшовчи О.Худойбердиева ҳамда Ж.Тоғаев хонадонларида содир бўлган ёнғинларнинг сабабчилари ёш болалар эди.

Шу тумандаги Совлиғор қишлоғидан меҳмондорчиликдан қайтаётган бир оила аъзолари ўтиришган давлат рақами 18 Е 1210 бўлган "Жигули" русумли автомашина "Зил-131" автомобилига урилган ва кучли тўқнашув туфайли машинага ўрнатилган газ балони портлаб ёнғин чиққан.

Кўза кунда эмас, кунида синади, дейдилар. Фожеа юз берганидан сўнг чеккан афсус-надомат фойдасиз. Баъзи жойларда нефт маҳсулотларини кўп миқдорда ноқонуний сақлаш ҳоллари учраб турибди. Масалан шу туманда ўтказилган текширишларда 14 та хонадонда конденцат мавжудлиги аниқланди. М.Раҳмонов фермерлар уюшмасининг Ғалча қишлоғидаги бир хонадонда 60 тонналик идишда конденцат борлиги маълум бўлди. Дўлтали қишлоғида яшовчи Абдусаид Раҳмоновнинг уйида ҳар бири 2,5 тоннадан 5 тоннагача ёнилғи билан тўлдирилган 3 та "қўлбола" идишлар, "Камаз" машинасининг юкхонасига ўрнатилган бак топилиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Шу қишлоқлик Жаҳонгир Раҳмоновнинг хонадонидан конденцат ёқилғиси билан тўлдирилган турли сиғимдаги идишлар топилди.

Вилоятда давлат эҳтиёжлари учун кўп миқдорда нефт ва газ маҳсулотлари, конденцат ишлаб чиқарилаяпти. Лекин бу ҳеч кимга ёнилғини талон-тарож қилиш ҳуқуқини бермайди. Касби туманининг Хўжаҳайрон қишлоғида истиқомат қилувчи Деҳқон Ибрагимов-нинг хонадонига конденцатни қайта ишлайдиган қурилма қаердан келиб қолди экан? Ички ишлар бўлими ходимлари ҳақиқий аҳвол билан танишгач, нима учун газнинг ноҳуш ҳиди атрофга тарқалиб, табиий муҳит ҳавосини ифлослантириб турганлиги маълум бўлди қўйди. Бундай "қўлбола" ускуналар қишлоқдаги А.Йўлдошев, Н.Воисов, Х.Қўзиев хонадонларида ҳам мавжуд эди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга жарима қўлланилди.

Ёқилғи-мойлаш материалларининг пинҳона сақланаётганлиги, биринчидан, жиноий ҳатти-ҳаракат ҳисобланади. Иккинчидан, табиий газ ҳиди одамларнинг марказий нерв, юқори нафас олиш, овқат ҳазм қилиш органларига ёмон таъсир ўтказади, ҳар хил касалликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Уйларида "қўлбола" қурилмалар ишлатаётган, ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаб, ортиқчасини пуллаётган ва сифатсиз маҳсулотлари билан автомашиналарни ишдан чиқараётган кишиларнинг фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин. Наҳотки, бундай ноқонуний ҳаттиҳаракатлардан хўжалик раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари хабардор бўлишмаса?! "Сен менга тегма, мен сенга" қабилида иш тутилаётганлиги, лоқайдлик ва бепарволик одамларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф солишини улар билишмаса...

И.ҚАРШИЕВ

ТАБИАТ ВА РАССОМ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Табиат ва рассом» кўргазмаси ўтказилмоқда.

Мана бир неча йилдирки, мазкур кўргазма анъанавий бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, чунки Ватанимизнинг бетакрор табиати ҳар доим рассомлар учун илҳом манбаи бўлиб келган. 400 га яқин асар намойиш этилаётган кўргазмани Ўзбекистон мўйқалам усталарининг 2005 йил учун ўзига хос ижодий ҳисоботи дейиш мумкин.

Бу ерда турли жанрларда яратилган асарларни кўриш мумкин. М.Тошмуродов, Б.Бобоев, А.Мирсоатов, Н.Худоймуродов, Я.Салпинкиди ва бошқаларнинг асарларидаги бепоён далалар, кўм-кўк осмон, зилол сувлар, осмонўпар тоғлар акс эттирилган. Бу манзаралар кўзни қувонтиради ва она табиатни асраб-авайлашга чақиради.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раиси Шериквой Шерматовга қизи **НАРГИЗА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши енгил саноат фахрийси **Тўрашхон ЖЎРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Марказий кенгашнинг Сурхондарё вилояти Вакиллиги ташкилий ишлар бўлими мудири Тўхташ Азизовага синглиси **Раъно ЭРГАШЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 18646 Буюртма Г— 316
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru
ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
123456